

БАРМОК ШЕЪРИЙ ТИЗИМИ - туркий халклар шеъриятида кенг таркалган, мисралардаги бўгинлар микдори тенглиги - силлабикага асосланган шеърий тизим. Бу системада мисралардаги тенг сонли бўгинлар ўзаро бирикиб, бир маромда такрорланиши натижасида ритмик оханг хосил қилишга кўмаклашадиган тuroкларни юзага келтиради. Мисралардаги тuroклар, тuroклардаги бўгинлар микдорига нисбатан шеърлар турли вазнларга ажратилади. Масалан:

Кўк юзида / иага булут / - ок булут, $4+4+3 = 11$
Ок булутдан / сут ёғарми, / ёки кут? $4+4+3 = 11$
(Миртемир)

Ёки:

Олти ойким, / шеър ёзмайман, / юрагим зада, $4+4+5=13$
Олти ойким, / ўзгаларга / тилайман омад. $4+4+5=13$
(А.Орипов)

Ўзбек, турк, козok, коракалпок, туркман, киргиз, озарбайжон, татар ва бошка туркий халклар огзаки поэзиясида жуда кадим даврлардаёк пайдо бўлган бармок тизими шу халкларнинг хозирги шеъриятининг хам асосий шеърий системаси сифатида қўлланилиб келмокда.